



10-бет

Ўзбекистонга қанча
пул юбориш мумкин?



5-бет

Алишер Усмоновга
очик хат



4-бет

Бегул тил курслари
бошланди



VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2013 йил 17 ноябрь, № 31



2-бет

Бошингни кўтар, ВАТАНДОШ!

“Ватандош”ни ҳар куни ўқинг: www.vatandosh.com

Бошингни кўтар, Ватандош!

Россиянинг Владивосток шаҳридаги туғуруқхона акушерлари тиббий суғуртаси бўлмагани учун ўзбекистонлик ҳомиладор аёлни қабул қилмагани ва натижада аёлнинг деярли кўчада кўзи ёригани маҳаллий ва халқаро матбуотда анча овоза бўлди.

Яқинда рус сайтларидан бирида шу хабарга муносабат тарзida ёзилган бир изоҳни ўқиб қолдим.

Унда бир рус аёли касалхона ходимлари тутган йўлни маъқуллаб, бу ҳақдаги қарашини қўйидаги мантиқ билан оқлаган:

“Ким билади бу аёл қаердан келяпти. Кир-чир хотин ётган туғруқхонада туғиши ўзимга эп кўрмаган бўлардим”.

Ажабо, инсон зотига нисбатан ҳам шу қадар жирканч бир муносабат бўладими? Бу миллатчиликни ёки худбинликнинг учига чиқсан кўриниши?

II жаҳон уруши даврида Россиянинг турли бурчакларидан келган 15 нафар етим болани асрар олган ўзбекистонлик Шомаҳмудовлар оиласи бир кун келиб ўз фарзандлари ана шу рус ерларида

хор-зор бўлишини билганида нима деган бўларди? Шу “улуг ватан” Россия учун жонини берган минглаб ўзбек фарзандлари-чи? Сталинград, Москва шаҳарлари остонасида бўлиб ўтган қақшатқич жангларда қанча ватандошимизнинг қони оқкан экан?

Афсуски, бугунги Россиянинг айрим ношукр ва нобакор фарзандлари ўзбек халқи ва бошқа шу каби кўплаб элатларнинг “тузини еб, тузылигига тупурмоқда”...

4 ноябрь Москвада Миллий бирдамлик куни нишонланди. Миллатлар бирлиги тараннум этилиши лозим бўлган бу кун кўчалар миллатчи гуруҳлар билан тўлди. Улар “Россия руслар учун; Москва москваликлар учун!” деб ҳайқириб, муҳожирларни мамлакатдан бадарға қилишга чақири. Уларнинг бу “хукм”идан Кавказ минақасига мансуб Россия фуқаролари ҳам четда қолмади.

Владимир Жириновский отлик рус сиёсатдони эса Кавказдаги оилаларга бола туғиши чеклаш таклифи билан чиқди.

“Агар бунга рози бўлишмаса, уларни сим тўрлар билан ўраб ташлаймиз”, - деб қичқирид махаллий телеканаллардан биридаги баҳсада иштирок этган жаноб Жириновский.

Муаммонинг сабаблари ҳар хил. Кимдир муҳожирлар орасида

жиноятчилик учриб, бундан маҳаллий аҳолининг тоқати тоқ бўлаётганини айтса, бошқа бирор Кремлинг ўзида муштумзўрларнинг тарафдори бўлган сиёсий доиралар борлигини айтади. Яна бир гурух фикрига кўра эса, ҳукумат аҳолини мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий муаммолардан чалғитиш мақсадида атайлаб

Шунинг учун ватандошларимизнинг ҳуқуқий ёрдам истаб Ўзбекистон ҳукумати ва унинг хориждаги ваколатхоналарига мурожаат қилиши табиий. Шундай экан, “Vatandosh” Ўзбекистон расмийларини муҳожирлар дардига жиддий қулоқ тутишга чақиради.

Фуқароларимиз ҳам фаол бўлиб, ҳуқуқий билимларини ошириб борсалар, бундан фақат ўзларига фойда. Улар қонунчиликнинг зарур қисмларини пухта ўрганиб, ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда қаерга ва қандай тартибда шикоят қилиш лозимлигини сувдек ёд билишлари керак. Ҳуқуқий мақомлари чеклангани боис ирқий ва бошқа турдаги камситишларга рози бўлиб қолишлари асло тўғри эмас.

Шу билан бирга, Россиядаги муҳожирларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиливчи ташкилотлар мавжуд қонунбузарликларга қаршикурашдаягона куч ва овоз бўлиб ҳаракат қилишса аъло иш бўларди. Россия федерал ҳукуматига, лозим бўлса, халқаро жамоатчиликка юз берадиган қонунбузарликлар юзасидан шикоят

қилишда улар биргаликда иш олиб боришлари лозим.

Қолаверса, бошқа юртларда истиқомат қилаётган биз ўзбекистонликлар миллатчилик қурбони бўлаётган ватандошларимизга қандай ёрдам кўрсата олишимиз мумкинлиги ҳақида бош қотиришимиз керак. Масалан, Россия билан иш олиб борувчи турли давлат ва нодавлат ташкилот, муассаса ва шахсларга боғланиб, улардан муҳожирлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида Россия ҳукуматига босим ўтказишни талаб қилишимиз мумкин.

Бу ишга, айниқса, нуфузли шахсларнинг жалб этилиши мақсадга мувофиқ. Алишер Усмонов каби “ўзбек эканидан фахрланадиган” ва ватанимизга алоқадор Россиянинг таъсирчан фуқаролари ҳам ташаббус кўрсатиб, фуқароларимиз шаънини ҳимоя қилишга ўз ҳиссаларини кўшса ажаб эмас, деб умид қиласиз. Чунки ҳазрати инсон эканимиз, қолаверса, барча қатори муносаб ҳурмат кўришга ҳақли бўлганимиз учун бу каби камситишларга асло йўл қўя олмаймиз.

Беҳзод МАМАДИЕВ,
“Vatandosh” газетаси бош
муҳаррири

Vol. 31. Sunday,
November 17, 2013

Publisher:
Vatandosh
Uzbek-American Federation

Editor-in-Chief:
Behzod Mamadiev

Managing Editors:
Farhod Suton
Shohruh Kenjaev

Deputy Editors:
Murod Gafurov
Nilufar Salimova

Board Members:
Jo'ra Bo'tako'z
Narhudja Sadikov
Hikmat Sulton
Abdulmalik Ahmedov
Abdulvohid Sabri
Umar Zakirhojaev
Kamol Boboqurban
Turon Ayaz
Farog'at Zokirova
Dilshod Zokirov
Asqar Ubaydullaev
Siddiq Sanaev
Mansur Jumaev

Editorial and Executive office:

2667 Coney Island Ave,
Brooklyn, NY 11235
Phone: 212-372-3050
Web: www.vatandosh.com
Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

*The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.
We are not responsible for content of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.*

“ВАТАНДОШ”ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

**Газетамизга обуна
бўлинг. “Ватандош”
ҳар ой хонадонингиз
мехмони бўлсин.**

www.vatandosh.com/obuna



Россияда ҳибсга олинган меҳнат муҳожирлари

эътиборни муҳожирлар муаммосига қаратмоқда.

Россиядаги ҳуқмбардорлар, хоҳ қонуний бўлсин, хоҳ ноқонуний, аввало, муҳожирларнинг ҳам инсон эканини унутмасалар яхши бўларди. Юз қиёфаси славян миллатига ўхшамагани учун одамларни тепкилаб, уриб-ўлдириб кетаётган бир тўда жиноятчиларнинг жиловини тортишга шошмаётгандарини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Инсон боласи, қайси давлатнинг фуқароси бўлишидан қатъи назар, бахтили бўлишга, яхши яшашни орзу қилишга ҳақли. Бу ҳуқуқни ундан тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Демократия ва қонун устуворлиги таъминланган мамлакат номига даъвогар Россияда инсон ҳуқуқларининг бу тарзда бузилиши рус жамиятининг жиддий хасталик билан оғриётганидан далолат. Зотан, ҳукумат кескин чоралар кўрганида, ирқчилик жамиятда бу қадар ошкора тус олмаган бўларди. Россия ҳукумати, ўз фуқароси ёки хорижлик бўлишидан қатъи назар, ўз ҳудудидаги барча инсонларнинг ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул эканини унутиб қўйгани қанчалар ачинари.

Лекин ҳуқуқлари топталган фуқаролар, одатда, биринчи бўлиб кўмакни ўз яқинларидан кутади.

Ўзбекистон ОДКБга қайтмайди



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташки сиёсат масалалари қўмитаси раиси Содик Сафоев ўзбекистон Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ)га аъзолигини қайта тикламаслигини маълум қилди.

«Голос России» радиоси мухбирининг 2014 йил Афғонистондан НАТО ҳалқаро тинчликларвар кучлари чиқиб кетгандан сўнг минтақада вазият кескинлашиши муносабати билан ўзбекистон Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ)даги аъзолигини тиклаши мумкини деган саволига жавоб берар экан, ўтган йили Сенат «Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсий фаолият концепциясини қабул қилгани»ни айтди.

Сенаторга кўра, мазкур ҳужжатда мамлакат ташки сиёсатининг асосий принциплари белгилаб берилган. Унда ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслиги ҳамда икки томонлама ҳамкорликка урғу бериши қайд қилинган.

Тошкентрасман ОДКБдан 2012 йил 19 декабрь куни чиқкан. Ўзбекистон Республикаси 2012 йилнинг 20 июняуда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти фаолиятидаги иштирокини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Ўзбекистон элчиси Филадельфияга ташриф буоради



Ўзбекистоннинг АҚШдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бахтиёр Ғуломов шу йилнинг 20 ноябрь куни Филадельфияга (Пенсильвания штати) ташриф буоради. Америка — ўзбекистон савдо палатасига таяниб «UzDaily.Uz» тарқатган хабарда келтирилишича, Бахтиёр Ғуломов АҚШ хусусий сектори ҳамда ўзбекистонликлар қатнашадиган давра сұхбатида иштирок этади.

Палата ушбу давра сұхбати АҚШ ва ўзбекистон ўртасидаги бизнес алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлишини таъкидламоқда. Америка

— ўзбекистон савдо палатаси, Филадельфиядаги АҚШ Тижорат хизмати, «The Fox» бизнес мактаби ҳамкорлигига ташкил этилаётган мазкур учрашув ўзбекистон элчиси учун Пенсильваниядаги АҚШ экспортёр ва ишлаб чиқарувчиларига ўзбекистон иқтисодиёти ва бизнес салоҳияти ҳақида тақдимот қилишга катта имкониятдир. Мазкур давра сұхбатида ўзбекистонда бизнес қилиш ва муваффақиятларига эришиш йўллари мухокама қилинади.

Америка — ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм хоним Баҳтиёр Ғуломовнинг Пенсильвания сафарини олқишилаб, АҚШ компаниялари нималарни тақлиф қилишини кўриш икки мамлакат ўртасида савдо алоқаларининг ривожланишига ҳамда Америка ва ўзбекистон ҳалқлари равнақига хизмат қилишини айтиб ўтди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Америка — ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм хоним яқинда қиймати 4 млрд. долларга тенг бўлган палатанинг инвестиция ва савдо лойиҳалари рўйхатини тақдим этди.

АҚШ ва ўзбекистон икки томонлама алоқаларни ривожлантиришига ҳаракат қилаётган бўлса-да, эришилаётган натижаларни юксак деб бўлмайди. Масалан, 2012 йилда АҚШ ўзбекистонга қилган экспорт ҳажми бор-йўғи 5 миллион, 2011 йилда 0, 2010 йилда 1 миллион долларни ташкил қилган.

Ўзбекистонликлар долларда пул жўнатиш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин



Россия Федерацияси Давлат думаси депутати, Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Михаил Дегтяров мамлакат парлamenti қуий палатасига АҚШ долларининг Россияда кенг тарқалгани муаммосини ҳал қилишга қаратилган қонун лойиҳасини тақдим қилди.

Депутатнинг фикрича, дунёда доллар яккаҳомлиги таҳдид остида қолаётган бир шароитда, қолаверса, АҚШ иқтисодиётидаги муаммолар туғайли доллар оммавий ишлатиладиган мамлакатлар бундан жиддий зиён кўради.

Қонун ташаббускорига кўра, маълум бир вақт ичиде долларда депозитга эга бўлган шахслар ўз жамғармасини рубгла алмаштиришлари ёки сарфлашлари мумкин. Йўқса, банклар долларни ўртача курс микдорида сотишига мажбур бўлишади. Накд долларга эга шахслар ҳам ўз маблағларини сарф қилиши талаб қилинади. Қонун лойиҳасида

ўтиш даври тугагандан сўнг нақд долларни топиш ва олиб қўйиш тартиби баён қилинмаган. Аммо долларни полиция ёки божхона ходими кўриб қоладиган бўлса, у олиб қўйилади ва 30 кун ичиде сотилиб, рублда эгасига қайтарилади.

Унга кўра, долларни сотиш ва сотиб олиш ваколатли банклар томонидан фақат нақд пулсиз амалга оширилади. Доллар сотиб олиш ҳукуки эса резидентларга тақдим қилинади.

Қонун лойиҳасига кўра, нақдсиз долларни сотиш ҳукуки бир гурӯҳ шахсларга берилади. Чунончи, қонун билан ўрнатилган ўтиш муддати тугагач, доллар харид қилган резидентлар, Россияда бўлиб турган хорижликлар, туристлар бундай ҳукуққа эга бўлади.

Қонун лойиҳасига кўра, дунёнинг 63 мамлакатига, яъни Европанинг барча мамлакатлари, Хитой, МДХ, Ҳиндистон, КХДР, Монголия, Грузия, Туркия, Жанубий Осетия ва Абхазия, Шимолий Африка мамлакатларига бориш учун Россия фуқаролари доллар харид қила олмайди.

«Vatandosh» экспертларига кўра, қонун лойиҳаси қабул қилиниши эҳтимоли жуда паст. Мабодо у қабул қилинадиган бўлса, ўзбекистон фуқаролари АҚШ долларида пул жўнатмаларини юбориш имкониятидан маҳрум бўлади.

Эслатиб ўтамиз, Россияда 2,7 миллион нафар ўзбекистон фуқароси борлиги айтилади.

АҚШ фуқаролари ўзбекистондан чиқариб юборилди



Ўзбекистон суд органлари Фарғона шаҳри ишлар бошқармаси материаллари асосида АҚШнинг уч нафар фуқароси — Тэйлор Деррик Антони, Жеймс Мартин ва Хелмут Клейтонни мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақида қарор қабул қилган.

«12uz.com» сайтининг маҳаллий ҳукуқ-тартибот органларига таяниб хабар беришича, АҚШ фуқаролари Қирғизистондан Евангелия Християн Баптистлар жамияти вакиллари сифатида ўзбекистон худудига кириб келган ва тўғридан-тўғри ўз динларини DVD-дискларда яширган миссионерлик характеридаги аҳборотлар орқали тарғиб қилишга киришган.

“Гарчи уларнинг сафардан мақсади туризм деб қайд этилган бўлса-да, уларнинг асосий миссияси диний материалларни тарқатиш ҳисобланган. Хориж фуқаролари кўлга олинганда уларнинг ёнида 96 та DVD-диск борлиги аниқланган, кейинчалик меҳмонхонадан уларга тегишили яна 219 та диск олиб қўйилган. Уларнинг сўзларига қараганда, улар

мамлакатга 450 та аҳборот ташувчи курилмада ўз диний адабиётларини олиб киришган. Уларнинг барчаси ўзбек ва тоҷик тилларида бўлган”, - дейди сайтнинг ҳукуқ-тартибот органдаридаги манбаси.

Миссионерлар кейинчалик Ереван (Арманистон), сўнг Грузия, Эрон ва Туркияга сафар қилишни режалаштирган.

Россияда мигрантларни «сим-карта» орқали назорат қилиш таклиф қилинди



Хорижлик мигрантлар ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш учун Россия Федерацияси киргандан уларга маҳсус сим-карталарни бериш керак ва вақти-вақти билан телефон қилиб, уларни қаерда жойлашганини ҳамда нима иш билан бандлигини текшириб туриш керак. Шундай тақлиф билан Россия Федерацияси Кенгаши аъзоси сенатор Евгений Тарло чиқди. Бу ҳақда «Регнум» аҳборот агентлиги хабар тарқатди.

«Фоя техник жиҳатдан жуда сода, у бюджетга ҳеч қандай ортиқча юк бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир мигрант маҳсус сим-карта билан таъминланиши лозим. Унинг нархи у даражада қиммат эмас, ҳар бир мигрантга тегишли мобиль операторидан телефон харид қилиш мажбуриятини юклаш ёки барча йирик мобиль операторларидан маҳсус сим-карта талаб қилиш мумкин», - дейди сенатор.

Сенаторнинг фикрича, шу йўл билан нафақат мигрантлар сонини биллиш мумкин, балки уларнинг фаолиятини кузатиш имконияти ҳам юзага келади.

Москва шаҳри думаси комиссияси раиси Инна Святенконинг айтишича, бундай ғоя самара келтиримайди. «У ёки бу диаспоранинг битта вакили бундай минглаб телефонларга уларнинг номидан жавоб бериши мумкин», - дейди у.

У мигрантларни келган жойида ишлашини таъминлаш учун уларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириши тақлиф қилди. Депутат, шунингдек, давлат россияликларни ишга ёллаётган тадбиркорлик субъектларини кўллаб-куватлаши кераклигини айтади.

Эслатиб ўтамиз, Россияда 2013 йилнинг август ойи охирига келиб, 11 миллион нафарга яқин хорижий мамлакат фуқароси бор. Уларнинг 2,7 миллион нафари ўзбекистондан, 1,5 миллионы Украинадан, 1,2 миллионы Тоҷикистондан, 500 мингдан ортиғи эса Қирғизистондан ҳисобланади.

«Vatandosh»

Нью-Йоркда бепул тил курслари иш бошлади

"Vatandosh" Ўзбек-Америка жамияти томонидан Нью-Йоркда юртдошларимиз учун тил курслари ташкил этилди. Ушбу лойиха ўзбек, рус, ва инглиз тилларида сабоқ бериш, эндиғина кириб келган ҳамортларимизларга Америка жамиятига мослашишда кўмаклашишни мақсад қиласди.

Ўзбек тилидан ўзбекистонлик мутахассис, тажрибали педагоглар, инглиз тилидан америкалик тажрибали ўқитувчи ҳамда рус тилидан русийзабон ўқитувчилар сабоқ бермоқда.

Инглиз тили курсига ёзилиш истаги билан мурожаат қилганлар сони 150 дан ошиб кетди. Шулардан ҳозир 70 нафари таҳсил олмоқда. Қолганлари янги ўкув гурухининг очилишини



Тил курслари бошқарувчиси Фарофат Зокирова

кутяпти. Инглиз тилидан сабоқларни тўрт нафар америкалик ўқитувчи бермоқда. Рус тилини ўрганишга 35 киши қизиқиш билдириган. Шулардан 25 нафари ўқишни бошлаган. Ўзбек тилидан эса 10 нафар юртдошимиз сабоқ олмоқда. Рус тилига бир нафар ўқитувчи, ўзбек тилига эса икки нафар муаллим жалб қилинган.

Тил курслари бўйича умумий раҳбарликни Дилшодбек Зокиров ва Фарофат Зокировалар олиб бормоқда.

Эслатма: Инглиз тили дарслари

ҳафтанинг ДУШАНБА ва ПАЙШАНБА кунлари соат кечки 7.00дан 9.00га қадар;

Ўзбек тили ва адабиёти ҳафтанинг ЖУМА куни соат кечки 6.00дан 8.00га қадар;

Рус тили ҳафтанинг ЖУМА куни соат кечки 6.00дан 8.00га қадар моҳир педагоглар томонидан ўтилади.

Манзил: 2667 Coney Island Ave, Brooklyn, NY 11235.

Батафсил маълумот учун телефон: 347-278-1492

«Vatandosh»



“Ватандош” жамияти идораси ишга тушди


“Vatandosh” Ўзбек-Америка Федерацияси ўзининг янги оғиси ишга тушганини маълум қилди. Ўзбекистонлик ватандошлар қўмаги билан таъмирдан чиқарилган жамият идораси керакли жиҳозлар ва барча қулайликлар билан таъминланган.

Офис қошида кутубхона, болалар учун ўкув машғулотлари ўтказиладиган хона тез кунда фойдаланишга топширилади. Ҳозирда ўкув хонаси ва кутубхонани керакли дарслклар, стол-стуллар, доска ва бошқа зарур ажномалар билан жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

Федерация оғиси **2667 Coney Island Ave, Brooklyn, NY. 11235** манзилида жойлашган. Идора эшиклари барча ватандошлар учун душанбадан жумагача эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 18:00 гача очик. Бу ерда мактаб ёшидаги ўкувчи болалар учун дарслардан сўнг турли тўгараклар, қўшимча машғулотлар ўтказилади. Шунингдек, профессионал рақкоса Замира Салим ҳафтада бир марта рақс санъатидан дарс беради.

Кутубхона учун Ўзбекистондан ўзбек тили китоблари ва дарслкларини олиб келиш мақсад қилинган. Кутубхона тўлиқ ишга тушгач, унинг ишлаш соатлари маълум қилинади.

Марказда жамият фаолиятига оид турли маданий тадбирларни ўтказиш ҳам кўзда тутилмоқда.



Хурматли Алишер Бурханович!

Интернетдаги нашрлардан биринде Сиз билан қилинган сұхбатни ўқиб қолдым. Унда Сиз илм-фан тараққиеті, санъат ва спортни ривожлантириш мақсадида Россияда, жумладан, Ўзбекистонда махсус фонdlар ташкил қилиш ниятингиз борлығы ҳақида айтибисиз. Оддий бир ватандошингиз сифатида, шунингдек, мустақил илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчи сифатида бу гапларингизни ўқиб бошим осмонга етди.

Ўзим асли тилшунос филологман. Тақдир тақозоси билан бугун тибиёт соҳасида илмий изланиш олиб боряпман.

Мен ирсий касаллукларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганаман ва ҳозиргача олиб борган тадқиқотларим шуни кўрсатяпти, кўплаб генетик касаллукларнинг олдини олиш мумкин. Аммо мен ўрганаётган бу мавзунинг муқобили бошқа бирор жойда борлығи ҳақида эшийтмадим...

Тарихдан маълумки, милоддан иккиминг йиллар аввал Хоразм худудида орийлар аталмиш ҳалқ яшаган ва бу ҳалқдан ҳозирда Осиё-Европа бўйлаб ёйилган форс, славян, герман, англосакс ва туркийзабон ҳалқлар тарқалган деган фараз мавжуд. Бу ҳалқ маданияти ҳақида бизгача “Авесто”дан бўлак бирорта аниқ маълумот етиб келмаган. Бобокалонимиз Абу Райхон Беруний ўзининг “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар” китобида Искандар Зулқарнайн истилосини бунга сабаб қилиб кўрсатади. Греклар истилоси даврида орийлар маданияти ҳақидаги барча манбалар йўқ қилиб ташланган экан.

Мен орийлар маданиятидан қолган яна бир мерос сифатида “Шарқий мучал”ни ҳам тилга олган бўлардим.

Шахсий изланишларим ва кузатувларимдан айтишим мумкини, шарқий мучал – энг мукаммал генетик жадвалдир ва у ёрдамида ҳозирда генетика фани олдида жумбоқ бўлиб турган ўнлаб ҳолатларга жавоб топиш мумкин. Мен

фарзанд туғилгач юзага чиқар экан.

Бу каби ҳолатларни кўплаб ирсий онкологик касаллуклар билан оғриган беморлар билан сұхбатлашиш жараённида “пайқаб” қолдим. Шунда миямга бир фикр келди. Фарзанднинг туғилиши ижобий ҳолатларга ҳам сабаб бўлиши мумкинми? Балки бундай ҳодиса сабаб, бутун дунёда глобал жумбоқ бўлиб турган наслдан-наслга ўтадиган ирсий касаллукларга даво топиш мумкинди?

Бор имкониятларимни шу ўйналишдаги кузатувларга қаратдим ва юқоридаги саволларга ижобий жавоб берниш мумкинлигини аникладим. Бу ишда ўтган замонлар ва ҳозирги даврнинг энг мукаммал генетик жадвали деб атаганим – шарқий мучалдаги йиллар ва ой кунларнинг жойлашув тартибидан тўғри фойдаланиш жумбоқнинг ечими бўлиши мумкин, деган хуносага келдим.

Масалан, мучал йилларидан қайси бирида, қайси ой ва кунида фарзанд кўриш ҳар бир оиласдаги ота-онарганизмида турлича ўзгаришлар юз беридим.



**Алишер Усмонов,
rossиялик ўзбек миллиардери**

олмаяпман. Ўзбекистондан ҳомий топиш учун қилган ҳаракатларим ҳам натижа бермаяпти. Шу боис бу ишда кўмак сўраб Сизга мурожаат қилишини лозим топдим.

Алишер Усмоновга очиқ хат

Мен Қорақалпогистонда туғилиб ўтсанман. Амударё бўйларида бир вақтлар кўхна илм марказлари бўлганини кўпчилик билмаса керак.

Тўрткул тумани худудида қадимиий Кўйқирилган қальяси бор. Бу қалья тепалик устига қурилган бўлиб, архитектураси жуда гаройиб. Қалья думалоқ, доира шаклида қурилган ва эни 8 метр қалинликдаги ҳимоя деворлари билан ўралган.

Кўйқирилган қалья ҳажман кичик бўлса-да, лекин бу қадар қалин деворлар билан ўралганилиги 1951 йили бу ерга экспедиция уюштирган археолог Толстов эътиборини тортган.

Аввалига, бу қалъани подшоҳ қароргоҳи деб таҳмин қилган олим қалъанинг ҳажман кичиклигидан ва унинг ичидаги саройлар эмас, балки бир-бiri билан ёнма-ён жойлашган ҳужралар қурилганидан ажабланади. Кейинроқ олимнинг аниқлашича, бу қалъа подшоҳ қароргоҳи эмас, балки илм маркази бўлган экан.

Толстовнинг аниқлашича, қалъа ўртасидаги иккى қаватли бинода обсерватория бўлиб, бир-бiriга ёндош хоналарда талабалар ва ўқитувчилар яшаган ҳамда бу ерда шифохона ҳам фаолият юритган.

Толстовнинг ёзишича, бу шифохонадаги беморларни даволаш осмон жисмлари - юлдузларнинг қачон ва қандай жойлашганилигига қараб белгиланган экан.

Ўзингизга маълумки, сабиқ шўролар даврида Ўрта Осиё тарихини ўрганишга қизиқиш ниҳоятда паст бўлган ва табиики, бу оламшумул қашфиёт кўпчиликнинг эътиборини ҳам тортмаган.

Мустақил бўлганимизга 21 йилдан кўп бўлди лекин, ҳали ҳануз ўзимизнинг тарихчи олимларимиз илмий меросимизнинг фақат ўзларига мақбул жойларини бўрттириб кўрсатишдан нарига ўтишмаяпти.

Бу меросни жиддий ўрганиш ва уни қайта тиклаш фурсати келди, деб ўйлайман.

Ўзбекистонлик мустақил тадқиқотчи Қадамбой Атабаев бизга мактуб ўйлаб, россиялик ўзбек ишбилармони Алишер Усмонов билан алоқага чиқишида ёрдам бершишимни сўради. Унинг айтишича, Усмонов фондига қилган мурожаатлари натижага бермаган. Қадамбой акага айтмоқчи бўлган гапларини бизга очиқ хат тарзида ўйласа, газетамизда эълон қилишимиз мумкинлигини айтдик. Умид қиламизки, Қадамбой Атабаев мактубда кўтарган масалага Алишер Усмонов ўз жавобини беради.

бу ҳақда “Соғлом авлод орзуи” номли китобимда батафсил ёзганман (Китоб ва илмий изланишларим ҳақида www.sao.uz сайтидан маълумот олишингиз мумкин).

Шарқий мучал тақвими муаллифлари, кўпчилик таҳмин қилганидек, японлар ёки хитойлар эмас, балки инсониятнинг биринчи диний кўләзмаси “Авесто” соҳиби бўлган орийлар деб ишонч билан айтга оламан.

Мен тарихчи эмасман ва тарихий маълумотларни исботлаш фикридан йироқман. Генетикага оид илмий изланишларимнинг айнан ана шу шарқий мучал асосида олиб борилаётганини ва шу кунгача амалга оширган илмий тажрибларим ҳам тибиёт, ҳам тарих соҳасида мен олға сурган кўплаб фараزلарни тасдиқлаётганини таъкидламоқчиман, холос.

Энди шу натижаларнинг кенг миқёсда тўғрилигини илмий исботлашим учун генетиклар билан лаборатория шароитида тажриба олиб боришим лозим.

Маълумки, аёл ҳомиладор бўлгач, унинг организмида сезиларли гормонал ўзгаришлар содир бўлади. Мен бу ўзгаришлар аёлнинг эрига ҳам “юқиши”ни аникладим.

Бундан 15 йиллар олдин “Соғлом авлод орзуи” номли кўләзмамни китоб ҳолига келтириш учун изланишлар олиб бораётган вақтимда бир гаройиб жумбоқка рўбарў келдим: кўпинча, ота-онарганизмидаги салбий ўзгаришлар

шига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳомила ўйлдошидан дори сифатида фойдаланиш минг йиллардан бери мавжуд. Лекин мен она ҳомиладор бўлгач, эрига “юқадиган” моддани топиш ниятидаман. Бунинг учун менга тажриба учун кўпил 90-100 оила керак бўлади.

Ўзбекистонда генеларни генетик лаборатория шароитида ўрганиш имконияти ўқ. Одам генетикаси тадқиқотлари билан шуғилланувчи генетик институлар

билан ҳамкорлик қилишим учун хорижга чиқишим керак. МДХ давлатлари ичидаги ягона Москвадаги Россия Тибиёт Фанлари Академияси ҳузуридаги академик, биология фанлари доктори Гинтер Евгений Константинович раҳбарлигидаги Генетика институтида мен истаган шароит ва имконият мавжуд. Мен узоқ йиллардан бери ана шу институтда илмий изланишларимни давом эттиришни орзу киламан.

Муҳтарам Алишер Бурханович!

Тўрт сийдан кейин от йили бошланади. Бу йил генетиклар билан ҳамкорликда, генетик лаборатория шароитида кузатувларимни илмий мақомда давом эттириш имкониятим ўқлиги боис шу пайтгача илмий изланишларимни лаборатория шароитида давом эттириш ўйланиши топдим.

Менинг илмий изланишларим Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган ва китоб ҳолида чоп этишига тавсия қилинган. Аммо моддий имкониятим ўқлиги боис шу пайтгача илмий изланишларимни лаборатория шароитида давом эттириш ўйланиши топдим.

Одам лаборатория каламуши эмас, лекин айнан менга керак бўлган, фарзанд кутаётган 90-100 атрофидаги кўнгилли оилани 25 миллионлик Москва ахолиси орасидан топишнинг имкони бор деб ўйлайман. Менга 9 ой мобайнида ҳар ой шу оиласдаги ота-оналар қонидан, сўлагидан, нажасидан ва сийдигидан ўз ихтиёри билан анализ учун намуна топширсалар бас.

Фикримча, бу оиласдаги ижобий, салбий ёки ўртача ўзгаришларга сабаб бўладиган модда, яъни гармонни топа олсак, ҳар қандай, жумладан, ирсий наслдан-наслга ўтадиган онкологик, эндокрин, руҳий ва асаб касаллукларига даво топиш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, шарқий мучал тақвими ёрдамида, ҳомиладорликнинг биринчи кунини тўғри бошқарган ҳолда келажак авлоднинг соғлом туғилишга эришишим мумкин ва ҳар бир инсон соглом бўлиб туғилишга ҳақли ҳамда бунга ҳамиша имконият бор деб ҳисоблайман.

Мен ўзим ногиронман. Айнан ирсий касаллук оқибатида навқирон йигитлик пайтимда соғлигимни йўқотганман. Бундай ирсий касаллукларнинг олдини олиш имконияти бор пайтда бошқаларнинг ҳам мен каби соғлигини йўқотишни истамайман.

Муҳтарам Алишер Бурханович!

Интернет нашрига берган сұхбатингизда менинг меросхўрим йўқ деб айтибисиз. Менимча, бундай дейишингиз тўғри эмас. Чунки Сизнинг ёрдамингизда илм оладиган, тарқатадиган ёки спорт ва санъат билан шуғулланадиган ҳар бир инсон Сизнинг меросхўрингиздир. Бу меросхўрлар Сизнинг ёрдамингиз билан эришадиган ҳар қандай муваффақиятда энг катта улуш Сизнико бўлади. Бу улуш эса иккى дунёда ҳам тамом бўлмайдиган, аксинча, факат кўпайиб борадиган бойликлар.

Сизга ва оила аъзоларингизга Оллоҳнинг энг буюк инъоми – сиҳат-саломатлик тилайман.

**Хурмат билан,
Қадамбой АТАБАЕВ**

Оммавий ахборот воситалари хабарига кўра, Малайзия суди 3 нафар Ўзбекистон фуқаросини ўлим жазосига ҳукм қилган. Ҳукмга кўра, икки аёл ва бир эрак кишидан иборат ўзбекистонликлар Малайзияга наркотик модда олиб киришда айбдор деб топилган ва мамлакат қонунларига кўра, энг олий жазога лойиқ топилган.

зога алмаштирган ҳолда (умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси) уни Ўзбекистонда ўташлари учун курашиши лозим эди.

Одатда, икки ва ундан ортиқ давлатлар жиноий жазоларни амалга ошириш юзасидан ўзаро келишув ва шартномаларга кириша-

АҚШ Консуллик Алоқалари тўғрисидаги Вена Конвенциясига амал қилмасдан, бу икки Германия фуқаросига уларнинг Германия давлатидан ҳуқуқий ёрдам ва ҳимоя олиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабар бермайди ва Германия элчихонаси-

Малайзияда осишга ҳукм этилган ўзбекистонликлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкинми?

Масалага ҳуқуқий жиҳатдан ёндашамиз ва қуйидаги саволларга жавоб излаймиз:

Бир давлат фуқаросининг бошка бир давлатда судга тортилишида ҳалқаро ҳуқуқ нормалари амал қиладими? Бундай ҳолатда давлатларнинг қандай мажбуриятлари бор?

Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена Конвенциясига кўра, ўзга давлат фуқаросини судлаётган давлат айланувчига ўз давлатидан ҳуқуқий ҳимоя олиши мумкинлиги ҳақида маълум қилиши керак. Яън бу уч нафар ўзбек фуқароси Ўзбекистон давлатидан юридик ёрдам ва ҳимоя олиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги Малайзия томонидан хабардор қилиниши керак. Малайзия, шунингдек, Ўзбекистон давлатига (Ўзбекистоннинг Малайзиядаги элчихонаси) Ўзбекистоннинг уч фуқароси устидан жиноий иш очилганлиги ва уларга қўйилган айбловлар тўғрисида хабар бериши шарт. Эслатиб ўтамиш, Ўзбекистон ҳам, Малайзия ҳам Консуллик Алоқалари тўғрисидаги Вена Конвенциясига аъзо давлатлар ҳисобланади.

Янгиликларда бундай процедурал ҳаракатлар амалга оширилганни ёки йўқми, бу ҳақда ёзилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисидаги Қонунга кўра, Ўзбекистон ўз фуқароларини мамлакат ташқарисида ҳам ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади. Ўзбекистоннинг ўз фуқаролари олдидағи бундай бурчини амалга ошириш Ташқи ишлар вазирлигининг тўғридан-тўғри ваколатига киради. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Низомига кўра, вазирликнинг асосий вазифаси хорижий мамлакатлар билан муносабатларда Ўзбекистоннинг давлат манфаатларини ва унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Вазирлик чет мамлакатлар билан алоқаларда дипломатик ваколатхоналар орқали иш кўради. Юқоридаги Низомига кўра, дипломатик ваколатхоналар ўзлари бўлган давлатда Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароларининг манфаатларини ҳалқаро ҳуқуқ ҳамда бу давлатлар билан икки томонлама мавжуд шартномалар ва битимлар, шунингдек, ҳар иккала давлат қатнашчи ҳисобланган кўп томонлама шартномалар доирасида ҳимоя қилади.

Дипломатик ваколатхоналарга элчихоналар ҳамда консуллик мусассасалари киради. Ўзбекистон Ре-

спубликасининг Консуллик Уставига кўра, консуллик муассасалари чет элларда Ўзбекистон Республикаси нинг, Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Демак, Ўзбекистон бу уч нафар фуқарога ҳуқуқий ёрдам бериши (яхши адвокат билан таъминлаши) ва уларнинг манфаати учун курашиши керак.

Шу ўринда ҳуқуқий ёрдам масаласига кенгроқ тушунтириш бериш керак. Ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқий ва юридик сўзлари бир хил маънода ишлатилади. Шу маънода ҳуқуқий ёрдам ва юридик ёрдам атамалари бир хил тушунчалардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиши учун барча шароитлар таъминлаб берилиши лозим. Консуллик Уставига кўра, Консул Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқароларининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши учун чора-тадбирлар кўриши шарт. Ҳатто агар Ўзбекистоннинг хориждаги фуқаролари баъзи сабабларга кўра ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлмасалар, консулхона жойлашган давлат муассасаларида консул уларнинг номидан ишончномасиз вакиллик қилиш ҳуқуқига эта. Ушбу вакиллик улар ўз вакилларини тайинлагунга қадар ёки ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммаларига олгунга қадар давом этади. Демак, ҳуқуқий ёрдам адвокат ҳимояси билан таъминлаш деган маънени ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон давлатининг манфаати бу фуқаролар ҳақиқатдан айтилган жиноятларни содир этган ёки этмаганинидан қатъи назар, уларни ўлим жазосидан олиб қолиш бўлиши керак. Чунки Ўзбекистон 2008-йилда ўлим жазосини бекор қилган ва шундан бери Ўзбекистонда энг оғир жазотури бу умрбод озодликдан маҳрум этиш ҳисобланади.

Бўлиб ўтган суд ишига доир айрим маълумотларга эътибор қаратсак. Янгиликлардан маълум бўлишича, судланган фуқаролар (ёки уларнинг ҳимоячиси) Малайзияда наркотиклар савдоси учун ўлим жазоси каби қаттиқ жазо берилишини билмаганликларини айтган. Ўзбекистон манфаати ва Ўзбекистон фуқаролари ҳимояси учун курашаётган адвокат, улар айбдор деб топилганда ҳам, жазони Ўзбекистондаги муқобил жа-

ди. Масалан, 2006-йил “Евросиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида жиноий жазоларни ижро этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида келишув” имзланган ва Ўзбекистон ҳам унга қўшилган. Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида жиноий жазоларни амалга ошириш борасида бундай келишув мавжуд эмас, аммо 2008-йилдан 2013-йилгача амал қилган Ҳуқуқий Ҳамкорлик Соҳасида Меморандум мавжуд эди. Гарчи Меморандум, асосан, кадрлар алмашинуви ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқларига оид бўлса ҳам, унда умумий манфаатга доир масалалар юзасидан қонун ҳужжатлари билан алмашиш ҳамда томонлар ўзаро келишган ҳуқуқий ҳамкорликнинг бошқа соҳаларида бирга ишлаши белгиланган. Ўзбекистон фуқаролари устидан очилган жиноий ишда адолатни топиш иккала томоннинг ҳам умумий манфаатига киради. Чунки бу манфаатдорлик остида 10 кг наркотик модда қандай қилиб Ўзбекистон божхона назоратидан сезилмасдан чиқиб кетти деган савол ҳам туради. Шуни таъкидлаш керакки, Меморандум 2013-йил август ойида ўз кучини йўқотган бўлса ҳам, 3 нафар фуқарога нисбатан жиноий иш 2010-йилда очилган ва мана шу 3 йил давомида иккала давлат ҳамкорлик қилиши учун Меморандум амалда бўлган.

Ҳалқаро ҳуқуқда шу мавзуга тааллуқли машҳур “Лагранд” иши мавжуд. Унда Германия фуқароси бўлган икки ака-ука (гарчи 3-4 ёшидан буён АҚШда яшаб келаётган бўлса ҳам) АҚШнинг Аризона штатида қотиллиқда айбдор деб топилади ва ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Дилором АБДУЛЛАЕВА



**Малайзияда судланган Ўзбекистон фуқаролари
Сайера Нурмухамедова ва Дилбар Назарова**

га ҳам икки фуқаро устидан жиноий иш очилгани ва уларга қўйилган айбловлар ҳақида маълум қилмайди. Бундай хабар топган Германия АҚШ давлатини Бирлашган Миллатлар Ташкилотнинг асосий суд органи – Ҳалқаро Адолат Судига беради. Ўлим жазоси амалга оширилишидан бир неча соат аввал Ҳалқаро Адолат Суди АҚШга ҳукм ижросини кеччикириш тўғрисида шартли ажримчиқаради. АҚШ судлари эса Ҳалқаро Адолат Судининг шартли ажримини мажбурий деб ҳисобламайди ва ўлим жазосини ижро қиласди. Шундан сўнг, Германия АҚШга қарши Ҳалқаро Адолат Судида иш очади ва натижада Ҳалқаро Адолат Суди АҚШ Вена Конвенциясига риоя қилмаган деб топади ҳамда Ҳалқаро Адолат Судининг шартли ажримлари аъзо давлатлар учун мажбурий кучга эга эканлигини расман тасдиқлади.

Эслатиб ўтамиш, Ўзбекистон ҳам, Малайзия ҳам БМТнинг Ҳалқаро Адолат Судига аъзо эмас ва натижада Ҳалқаро Адолат Судининг юрисдикциясини қабул қилмайди. Шунинг учун Ўзбекистоннинг Малайзияга қарши Ҳалқаро Адолат Судида иш очиши имконсиз. Аммо шундай бўлишига қарамасдан, иккала давлат ҳам Вена Конвенциясига аъзо давлатлар ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон, миллий қонунларига асосан, ўз фуқароларини қаерда бўлмасин, мамлакат ичкарисидами ёки ташқарида, ҳимоя қилиши ва уларнинг манфаатлари учун курашиши, бунинг учун ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий чораларни кўриши лозим.

Нуқтаи назар: Ўзимизнинг “ёмонлар”

Беш кўл баравар эмас. Ҳалқимизнинг бу нақли замира олам-олам маъно мужассам. Дарҳақиқат, одамларнинг фикр-дунёқараши, атрофидаги воқеаларга муносабати ҳам турлича, кимдир ижобий қараса, яна кимдир салбий фикр билдиради. Табиат қонунияти.



«Vatandosh» ўтган ҳафта икки воқеани ёритди. Бири — Владивостоқда туғуруқхона акушерлари қабул қилмаган Ўзбекистон фуқароси Шоира Улашева воқеаси бўлса, иккинчиси ҳам Россия билан боғлиқ: асли Ўзбекистондан бўлган, машхур Зокировлар хона-дони вакили Наргиз Закированинг “Голос” лойиҳасида навбатдаги боскичга ўтгани бўлди.

Ижтимоий тармолардаги изоҳларни кузатар экансиз, хаё-

лимдан шу нарса ўтди: Биз нима хоҳлаймиз?

Гап шундаки, Владивостоқда акушерлар қабул қилмаган аёл этник камчиллик бўлшаг лўлилар вакили (эҳтимол) бўлиб чиқди. Айrim ижтимоий тармоқ вакиллари бутун рус жамияти айнан ватан ва фуқаро тушунчасидан анча йироқ бўлган “лўли”ни деб ўзбекистонликларнинг ёмонотлиқ бўлаётганидан нолиса, яна кимдир ўрис шифокорларининг бу да-

ражада “паст кетишини” қоралади.

Наргиз Закирова эса ана шу бутун ўрисларни ўзига лол қаратди. У бунга ўз истеъоди ва иқтидори билан эришиди. Муаммо шундаки, унинг ташки кўриниши (имиджи) аксарият ватандошларимизнинг асабига шу даражада тегибдик, айримлар уни очиқасига ҳақорат қилишдан ҳам тийилишмади. Буни «Vatandosh»нинг «Facebook» саҳифасидаги изоҳларда ҳам кўриш мумкин.

Беайб парвардигор. Тўғри, ҳамма биз хоҳлаганимиздек, биз истагандек турмуш тарзини танламайди, жамиятдаги ахлоқ қоидаларига буйсунмасдан яшайди, омма олдида чиқиш қилади. Лекин шу нарса аниқки, уларнинг бири ўзбек, бири Ўзбекистон фуқароси. Бу фактдан ҳеч қаёққа қочиб кета олмайсиз. Шунақа: орамизда ўғримиз ҳам бор, ғаримиз ҳам бор, яхшимиз ҳам бор, ёмонимиз ҳам. Биз бирордан гуурланиш ёки гуурламаслиқдан аввал у одам сизу бизнинг қондошимиз, ватандошимиз эканлигини қабул қилишимиз керак.

Биз бу билан улар қилган ишни оқлаш ёки қоралашдан йироқмиз. Майли, қилиғини инкор қиласлик, лекин ўзини эмас. Ҳар биримиз учун эса фахрланайлик.

Мурод ФОФУРОВ

Ўтган иили АҚШга келган иммигрантлар сони инқироздан аввалги даврга қайтди, яъни ўсади. American Community Survey тадқиқотларида келтирилишича, Америка аҳолиси ҳар доимидек “латинос”лар эмас, балки осиёликлар ҳисобига кўпайган. Аҳолини ҳисобга олиш бюроси маълумотларига кўра, агар 2011 йилда Америкада хорижликлар сони 422 минг нафарга кўпайган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 447 мингга етган.

Вашингтондаги «Brookings Institution» тадқиқотлар маркази таҳлилларига кўра, 2011-2012 йилларда Америкага келган осиёликлар сони 207 мингдан 309 минг нафарга етган. Ҳиндистондан 2011 йилда 76 минг, 2012 йилда 111 минг, Хитойдан эса 2012 йилда 61 минг иммигрант келган. Ўтган иили АҚШга бор-йўғи 47 минг нафар “латинос” келган. Бу ўз ватанига қайтаётган мексикаликлар сони кўпайгани билан ҳам изоҳланади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, иммигрантлар сони ўсгани АҚШ иқтисодиёти

АҚШда осиёлик иммигрантлар сони кўпаймоқда

турғунликдан чиқаётганидан далолатдир. Лотин Америкаси давлатлари вакилларининг камайиши бевосита инқироз пайтида қурилиш ва шунга ўхшаган соҳаларда кам ҳақ тўланадиган иш жойларининг камайиши билан боғлиқдир. Чунки ушбу вакант жойлар одатда “латинос”лар томонидан эгалланарди.

Ўтган иили ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатяпти, АҚШда энг яхши пул топаётган, тез ўсаётган ҳамда яхши таълим олаётганлар, асосан, Осиёдан келган иммигрантлар экан. Чунончи, 1980-2010 йиллар давомида АҚШдаги осиёликлар сони 18 миллионга етган. Бу мамлакат аҳолисининг 6 фоизини ташкил этади. Уларнинг асосий қисми Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея, Филиппин ҳамда Вьетнамдан келган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдик, осиёликлар асл америкаликларга қараганда оилани, ота-она бўлишни, карьера қилишни кўпроқ қадрлашади. “21-асрда осиёликлар энг малакали меҳнат кучидир. Аммо улар ўзлари билан анъана ва қадриятларни олиб келаетганини унутмаслик лозим”, - дейди Пью тадқиқот маркази ижрочи вице-президенти Пол Тайлор.

АҚШда аҳолининг бор-йўғи 30 фоизи коллеж даражасига эга бўлган бир шароитда, осиёликларнинг ярми олий маълумотлидир. Қизиқ жиҳати шуки, америкаликларнинг ўртача йиллик даромади 49 минг доллар бўлса, кунчиқар мамлакатлардан келгандарнинг йиллик топар-тутари 66 мингдан ошади.

«Vatandosh»

Украинада ўзбекистонлик талаба Қуръони карим мусобақаси ғолиби бўлди

Ўзбекистонлик 21 яшар талаба Сардорбек Сайфутдинов Бутунукраина Қуръони карим қироати танловида «1 Жуз» йўналишида ғалаба қозонди.

Украина оммавий ахборот воситаларига таяниб «12news.uz» сайтининг ёзишича, Сардорбек ғалабаси учун планшет, фахрый ёрлик ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган.

Сардор Сайфутдинов Т.Шевченко номидаги Луган миллий университетининг хорижий тиллар факультети талабаси бўлиб, у факультетда “араб, инглиз тиллари ва адабиёти” мутахассислиги бўйича таҳсил олади.

Хабарларда келтирилиши-

ча, талаба Қуръонни “чиройли ва оҳангга солиб” ўқигани учун эътиборга тушган.

Сайтнинг ёзишича, Ўзбекистон ва Украина ўртасида 1997 йилдан бері икки давлат таълим тизими хужожатларини расман тан олиш бўйича битим амал қилади. Яъни, Ўзбекистонда олинган дипломлар Украина тан олинади. Қолаверса, Украина ҳар иили Ўзбекистон талabalari учун 30 та стипендия жорий қилган.

«Vatandosh»



Ўзбекистонлик қори
Сардорбек Сайфутдинов

Чикагода ватандошлар қурбон ҳайитини нишонлади

Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти қурбон ҳайитини нишонлади. Тадбирда Чикаго шаҳри атрофида истиқомат қилувчи 100 дан ортиқ ўзбекистонликлар, уларнинг оила аъзолари, фарзандлари ва бошқа меҳмонлар иштирок этди.

Тадбир Қуръон тиловати билан очилди. Ўзбек-Америка жамияти президенти Олимжон Шарипов йиғилганларни байрам билан табриклаб, кечага ташриф буюрганлари учун уларга ташаккур айтди. Шундан сўнг қурбон ҳайити байрамининг нишонланиш тарихи ва унинг Ислом дини ва маданиятида тутган ўрни ҳақида маъруза қилинди. Сўнг мөхмонлар байрам дастурхонига таклиф этилди.

Ватандошлар тансиқ таом устида бир-бирлари билан дилдан сұхбат қуриш имкониятига эга бўлишиди. Шунингдек, тадбир иштирокчиси бўлган болажонларга байрам совғалари улашилди. Совғалар жамиятнинг фахрий етакчиси Ҳожибобо Сироқиддин Насафий томонидан топширилди.

Бундан ташқари, болалар учун "Тилингизни би-



Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти фаоллари

ласизми?" номли мусобақа ҳам уюштирилди. Ушбу мусобақа ғолиби бўлган болажонларга пул мукофотлари берилди.

Байрам дастури кўтаринки кайфиятда ўтди. Келганлар хурсанд бўлиб, ватандошларнинг бундай йиғинларда тез-тез қатнашиб туриши муҳим аҳамиятта эга эканини таъкидлadi.

«Vatandosh»

Ўзбекистон Бош Консулиги “Facebook”да саҳифа очди

Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йоркдаги Бош Консулиги “Facebook” ижтимоий тармоғида ўз саҳифасини (www.facebook.com/uzconsulny) очганини эълон қилди.

Бу ерда фуқаролар билан яқиндан алоқа олиб бориш ва консулилк ҳамда АҚШдаги Ўзбекистон фуқаролари ўртасида яқин муносабат ўрнатиш мақсад қилинган.

“Сиз саҳифамиизда ўзингизни қизиқтириган консулилк хизматига доир бўлган саволларингизни йўллашингиз мумкин”, - дейилади саҳифага кўйилган хабарлардан бирида.

Саҳифада, шунингдек, Консулилк хизматига оид янгиликлар ҳам кўйиб борилади. Бу ерга қўйилган сўнгги янгиликлардан бирига кўра, 2013 йилнинг 20 октябриндан бошлаб Консулилкка қабул учун рўйхатдан ўтиш фақат интернетдаги сайт орқали (www.uzbekconsulny.org) амалга оширилмоқда. Фуқаролар, шунингдек, рўйхатдан ўтиш

учун 212-230-1241 (ext. 107) телефон рақамига душанбадан пайшанбагача соат 15:00 дан 17:00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

“Facebook” саҳифасида консулилк хизматига бўлган мурожаатларда энг кўп сўраладиган саволлар ва уларнинг жавоблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ҳақида ҳам маълумот

бериб борилади.

Консулилк маълумотига кўра, шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб биометрик паспорт учун Ўзбекистон фуқароларидан биометрик маълумотларни йиғиш жараёни бошланади.

“Биринчи навбатда талабалар ва АҚШда доимий яшовчи Ўзбекистон фуқаролари ва АҚШда қонуний статусга эга бўлган фуқароларимиз паспортлари алмаштирилади”, - дея ёзилади “Facebook”даги консулилк саҳифасида.

«Vatandosh»



O'zbekiston Respublikasining Bosh Konsulxonasi New York



155 likes • 113 talking about this

BEST MOVIES OF THE MONTH

Iron Man 3

130 min - Action | Adventure | Fantasy (PG-13)

Ratings: 7.4/10
Plot: When Tony Stark's world is torn apart by a formidable terrorist called the Mandarin, he starts an odyssey of rebuilding and retribution.

Director: Shane Black



Despicable Me 2

98 min - Animation | Adventure | Comedy - (PG)

Ratings: 7.6/10
Plot: Gru is recruited by the Anti-Villain League to help deal with a powerful new super criminal.

Directors: Pierre Coffin, Chris Renaud



Man of Steel

143 min - Action | Adventure | Fantasy - (PG-13)

Ratings: 7.4/10
Plot: A young itinerant worker is forced to confront his secret extraterrestrial heritage when Earth is invaded by members of his race.

Director: Zack Snyder



Monsters University

104 min - Animation | Adventure | Comedy - (G)

Ratings: 7.5/10
Plot: A look at the relationship between Mike and Sulley during their days at Monsters University -- when they weren't necessarily the best of friends.

Director: Dan Scanlon



Fast & Furious 6

130 min - Action | Crime | Thriller - (PG-13)

Ratings: 7.2/10
Plot: Hobbs has Dom and Brian reassemble their crew in order to take down a mastermind who commands an organization of mercenary drivers across 12 countries. Payment? Full pardons for them all.

Director: Justin Lin



Oz the Great and Powerful

130 min - Adventure | Family | Fantasy - (PG)

Ratings: 6.5/10
Plot: A small-time magician is swept away to an enchanted land and is forced into a power struggle between three witches.

Director: Sam Raimi

IMDB.com





NYSCAS

A Division of
TOURO ® COLLEGE

College with a personal touch

ASSOCIATE'S AND BACHELOR'S DEGREES

- Business Management and Administration • Information Technology • Human Services
- Psychology • Education • Biology • Social Sciences • Paralegal Studies
- Digital Multimedia Design • Liberal Arts and Sciences • and more

INTEGRATED HONORS TRACKS

Undergraduate/Osteopathic Medicine
Undergraduate/Pharmacy

OTHER PROFESSIONAL OPPORTUNITIES

- Pre-Law • Pre-Medical • Pre-Dental

INFORMATION SESSIONS:

Manhattan: 27-33 West 23rd Street, Admissions Office
Wednesdays, 12 noon-5 pm

Brooklyn: 1870 Stillwell Avenue, Admissions Office
Wednesdays, 11 am-7 pm

www.touro.edu/nyscas

- Zamonaviy kompyuter labaratoriylar
- Ingliz tili kurslari
- Kunduzgi va kechki darslar
- Xalqaro talabalarni qabul qilamiz
- Moliyaviy yordam

Transfer students welcome!



scan here

BROOKLYN: **718.265.6534 x1002**

Bensonhurst, Brighton Beach, Flatbush,
Kings Highway, Starrett City

MANHATTAN: **212.463.0400 x5500**

QUEENS: **718.520.5107 x102** Forest Hills

Hurmatli do'stlar!

Agar siz Amerikada o'qib, diplom olmoqchi bo'lsangiz va buning uchun sizda ingliz tili va matematikada yetarli bilim bo'lmasa, hech xavotir olmang, biz sizga albatta yordam beramiz.

Touro College tayyorlov kurslari joriy qildi. Unda siz o'qishga kirish uchun yetarli ma'lumotni olib, orzuungizga erishishingiz mumkin.

Darslar qulaylik uchun kechki soatga mo'ljallangan. Vaqtini yo'qotmang.

Quyidagi telefon orqali bizga qo'ng'iroq qiling. 718.336.6471 x30119 Kristina

New York School of Career and Applied Studies

Touro College is an equal opportunity institution



Ўзбекистонга қанча пул олиб кириш мумкин?

Савол: Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга резидент шахслар ўзлари билан чет элдан қанча миқдоргача чет эл валютасини нақд кўринишда республика ичкариси-га олиб кириш хуқуқига эга? Бу валюта учун божхона ёки бошқа солиқлар тўланадими?

Жавоб: Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси худудига нақд чет эл валютасини олиб кириши чекловларсиз амалга оширилади. Бу хақда Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасида кўрсатилиб ўтилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тардбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан, жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти бўлишидан қатъи назар, 1998 йил 1 апрелдан бошлаб божхона декларациясини тўлдириш шарти билан нақд хорижий валютани Ўзбекистонга эркин олиб келишига рухсат берилади.

Юқоридагидан маълум бўладики, хориж валютасини олиб киришда ҳеч қандай божхона солиқлари олинмайди.

Фармонинг 1-бандига асосан, 1998 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасидан ташқарига нақд хорижий валюта олиб чиқиб кетиш миқдори резидентларга 2000 АҚШ доллари қилиб белгиланган.

Кўрсатилган миқдордан ортиқча нақд хорижий валютани олиб кетишига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки хорижий валюта билан операцияларни ўтказишига асосий лицензияси бўлган ваколатли банкларнинг руҳсати билан йўл қўйилади.

Биометрик паспортнинг оддий паспортдан фарқи

Савол: Биометрик паспортнинг оддий паспортдан қандай фарқи бор?

Жавоб: Биометрик паспорт амалдаги паспортдан бир неча жиҳати билан фарқ қиласди. У 36 варагдан иборат (аввалгиси 32 варак) бўлиб, унда ҳимоя тизими кучайтирган. Яъни, биометрик паспорта, амалдагилардан фарқли ўлароқ, 11 та кўшимча ҳимоя элементи киритилган. Бу паспортни қалбакилаштиришнинг олдини олишига қаратилган.

Паспортнинг орқа муқовасига жойлаштирилган махсус қурилма (чип) га фуқаро, яъни паспорт эгаси биометрик маълумотларининг электрон нусхаси киритилади. Фуқаронинг биографик маълумотларига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти ва жойи, миллати, жинси, паспорт серияси ва рақами, берилган вақти ва амал қилиш муддати, биометрик маълумотларига эса унинг фотосурати ҳамда бармоқ излари киради. Паспортдаги махсус қурилма ёрдамида халқаро аэропорт, чегара пунктларидан ўтилаётганда компю-

тер қурилмасида бир сониядаёқ шахс ҳақидаги барча маълумотлар акс этади. Бу эса жиноят содир этиб қочиб кетмоқчи бўлганларни кўлга олиш, ушган жиноятчилик, терроризмга қарши кураш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда кўл келади.

Янги намунадаги паспортни олиш учун фуқаролар доимий рўйхатдан ўтган ҳудудий ички ишлар идораларига, хорижда яшаётган фуқаролар эса Ташки ишлар вазирлигининг хориждаги консульлик ваколатхоналарига ариза билан мурожаат қиладилар. Ариза берган шахс мониторда суратга олиниди ва барча бармоқ изларининг фотонусхаси туширилади. Фуқароларнинг аризалари асосида биометрик паспорт тайёрлаш учун Давлат персоналлаштириш марказига электрон талабнома юборилади. Мазкур талабнома асосида биометрик паспорт тайёрланади ва унга шахснинг тегишли маълумотлари киритилади.

“Грин карта” ғолибларига давлат молиявий ёрдам берадими?

Савол: “Грин Карта” дастуридан келганларга АҚШ ҳукумати қандай ёрдамлар беради? Бундай одамлар ҳукумат тамонидан иш, яшаш учун жой билан тамилнадими? Ҳукумат бундай одамларга АҚШда оёққа туриб олишларига қандай ёрдам берилади?



Жавоб: АҚШ ҳукумати «DV» лотореяси ғолибларига молиявий ёки бошқа бирор кўринишдаги, масалан, сафар харажатлари, иш топиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой топиш ва уларга тўлаш бўйича ҳеч қандай ёрдам бермайди. Муҳожирлик визасини олиш пайтида, ҳар бир лоторея ғолиби АҚШда ишлаб, яшаб кета олишга қодирлигини ва АҚШ давлати ёрдамига таянмаслигини ишботлаши лозим бўлади. Бунинг учун шахсий ҳисобингизда қанча миқдорда пул ва бошқа мулкингиз мавжудлигини, АҚШдаги қариндош ёки танишларингизнинг сизга юборган ишга таклиф хатларини кўрсатишингиз лозим.

Ота розилигисиз фарзандни хорижга олиб чиқиши мумкинми?



Савол: Фарзандларимни эримнинг розилигисиз чет элга олиб чиқиши мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг III бўлимига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг 12-банди “ж”-қисмига кўра, 16 ёшга

Саҳифа “Tashabbus.uz” сайти билан ҳамкорликда тайёрланди.

тўлмаган фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ота-оналардан бири билан хорижга вақтингча чиқаётганда ота-оналардан иккинчисининг розилиги талаб қилинмайди.

Бундан ташқари, 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ота-оналари ёки васийлари (ҳомийлари)нинг вояга етмаган шахснинг мустақил равища чет элга чиқиши учун нотариус томонидан тасдиқланган розилиги мавжуд бўлган тақдирда хорижга ҳамроҳларсиз чиқиши мумкин.

Демак, фарзандингизни чет элга ўзингиз билан бирга олиб чиқиши учун отасининг розилиги талаб этилмайди.

Билл де Блазио “иккита Нью-Йорк”ни бирлаштироқчи

Нью-Йорк шаҳри мэрлигига бўлиб ўтган сайловда демократлар партияси вакили, адвокат Билл де Блазио ғалаба қозонди. У ўз сайловолди кампаниясида шаҳардаги иқтисодий нотенгликка қарши кураш ғояларини илгари сурган эди. Шундай қилиб Нью-Йорк шаҳри тарихида сўнгги йигрма йил деганда демократик партия вакили сайланди.

Сайлов участкалари маълумотларига кўра, 52 яшар де Блазио ўз рақиби — республикачилар партияси вакили Жо Лотани катта фарқ билан маглубиятга учратди. 51 фоиз овзларнинг ҳисоб-китоби шуни кўрсатдик, де Блазио 73 фоиз, Лота эса 25 фоиз овоз тўплашга муддатни бўлди. Жо Лота ўз маглубиятини телевидение орқали расман тан олган.

Унга қадар Нью-Йоркда республикачилар партиясидан Рудольф Жулиани икки муддатга, Майл Блумберг эса уч муддатга мэрлик қилган эди. Медиа-магнат Майл Блумберг учинчи муддатга Нью-Йорк мустакил партиясидан ўз номзодини қўйган эди.

Нью-Йорк аҳолиси 8,3 миллион кишини ташкил қилиб, демократлар сони республикачиларга қараганда олти баравар кўпdir.

Де Блазио Нью-Йоркнинг амалдаги мэри Блумберг томонидан маъкулланган полициянинг “Ушлава текшир” тактикасини қўллаб-куватлагани, қолаверса, Блумбергни “иккита Нью-Йорк” устидан назорат қилганлиқда айблаб танқид қилгани учун сайловчилар эътирофига сазовор бўлган. У жамоат касалхоналари ёпилишига қарши курашиб, мактаб ва боғчалар фаолиятини яхшилашни ваъда қилди. Де Блазио сўзларига кўра, Нью-Йоркда иккита шаҳар бор: бирида 400 минг миллионер истиқомат қилса, яна бирида фақат қашшоқлар яшайди.

Демократлар партияси вакили йиллик даромад 500 минг доллардан ошадиган фуқаролар учун даромад солигини оширишни таклиф қилди. Бу таклиф тадбиркорларни хавотир-



Нью-Йорк шаҳрининг янги мэри Билл де Блазио

га солди. Де Блазионинг бундай тактикаси унинг рейтинги икки ойда 15 фоиздан 43 фоизга ошишига замин яратди.

Эътиборли жиҳати, Билл де Блазио афро-америқаликка уйланган бўлиб, уларнинг икки нафар фарзанди бор.

Нью-Жерсида бўлиб ўтган сайлов-

ларда эса республикачилардан Крис Кристи губернатор этиб сайланди. Таҳлилларга кўра, у кейнги сайловларда республикачилар томонидан президентликка кўрсатиладиган муносиб номзодлардан ҳисобланади.

«Ватандош»

“Осиё-Тинч океани етакчилик дастури”га қўшилинг!



New Fellowships for 2013 – 2014

Asia Pacific Leadership Program

“Осиё-Тинч океани етакчилик дастури”нинг 2014-йкув йили учун қабул бошланди. Бу дастур дунёнинг турли бурчагидан келган профессионал мутахассисларга АҚШда бир йил давомида (бунинг камида ярми Гавайида ўтади) юқори даражада ма-лака ошириш ва тажриба орттириш имконини беради. Етакчилик, Осиё ва Тинч океани минтақасида тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига қаратилган иш ва дастурларга қизиқувчи ҳар қандай одам, жинси, фуқаролиги ва ёшидан қатъи назар, ушбу дастурда иштирок этиши мумкин.

Дастурда қатнашиш учун иштирокчиларга

Бакалаврлик даражасини ўқиш тили инглиз тили бўлган университетдан олганлар бу шартдан озод қилинади.

Етакчилик маҳорати ва шу йўналишда, хусусан, тинчликни сақлаш ва Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича иш тажрибасига эга бўлганлар ва шу йўналишларга қизиқиши юқори бўлганлар афзал кўрилади, аммо қатнашиш учун булар талаб қилинмайди.

Моддий ёрдамга эҳтиёжи борлар учун тахминан \$15, 000 атрофида грант берилади. Грант олиш

қуйидаги тала-блар қўйилган:

- Иштирокчилар камида бакалавр даражасига эга бўлиши ке-рак?

- «TOEFL» ёки «IELTS» инглиз тили тестла-рини топширган бўлиши керак?

истагида бўлганлар ҳужжатларни 1 декабргача топшириши лозим. Грантга эҳтиёжи йўқлар учун ҳужжатларни топшириш муддати 1 мартача белгиланган.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилиши ке-рак:

**Award Services/APLP
East-West Center, JAB 2066
1601 East-West Road
Honolulu, Hawai'i 96848-1601
U.S.A.**

Топшириш учун лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати, анкета ва уларни юбориш тартиби ҳақидаги тўлиқ маълумотни қуйидаги интернет ман-зилидан топишингиз мумкин: www.eastwestcenter.org/education/aplp/application-and-finances/

Изоҳ: Ўзбекистон Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари рўйхатига киритилмаган. Шунинг учун бу дастурга ҳужжат юборишдан олдин APLP@EastWestCenter.org электрон почтасига хат ёзи-шингиз ва шу дастурда қатнашиш истагида эканингизни асосли тарзда маълум қилишингиз лозим.

«Vatandosh»

“iPad” портлаб кетди

Австралиядаги электроника дүйкөнпаридан бирида “ИПад” планшети мижозлар күз ўнгидан портлаб кетди. Ҳодиса юз берган пайт қурилма электр тармоғига уланган бўлган. Воқеадан ҳеч ким жабр кўрмаган.

Дастлаб, портлаб кетган планшет “iPad Air” экани тахмин қилинган. Аммо кейинроқ унинг эскироқ версиялардан бири бўлгани аниқланган. “iPad Air” планшети “Apple” компаниясининг шу турдаги энг сўнгги маҳсулоти бўлиб, ўтган ой сотувга чиқарилган эди.

“Apple” компанияси ҳодиса тафсилотларини ўрганиш учун Австралияга ўз вакилини юборган.



Чекланмаган телефон хизмати - ойига \$10

republic
WIRELESS


АҚШнинг «Republic Wireless» алоқа компанияси ойига \$5 дан \$40 гача бўлган телефон хизмат пакетларини эълон қилди. Шунингдек, компания «Moto X» телефонини ҳеч қандай шартномасиз атиги \$299 дан сотмоқда.

Хизмат ва телефон нархларининг бу қадар арzon эканининг боиси нимада?

Гап шундаки, компания тақдим этадиган телефонлар «Wi-Fi» интернет тармоғи орқали ишлайдиган маҳсус технология билан жиҳозланган. Агар телефонингиз «Wi-Fi» тармоғига уланган бўлса, қўнгироқлар интернет орқали амалга оширилади. Телефон интернетга уланмаган тақдирда эса, алоқа «Sprint» телефон компанияси тармоғидан фойдаланиши бошлайди.

Компания тақдим этаётган \$5 лик пакетни сотиб олсангиз, барча чиқувчи ва кирувчи телефон қўнгироқларини интернет орқали амалга оширишингиз керак бўлади. \$10 лик пакетда эса, интернет бўлмаган жойларда телефон «Sprint» тармоғи орқали ишлайди. \$25 лик хизматда эса ўз «Wi-Fi» интернетингиз бўлмаган тақдирда, «Спринт» тармоғи орқали нафақат чекланмаган телефон қўнгироқларига, балки «3G» тезликдаги чекланмаган интернетга ҳам эга бўласиз. Агар ойига \$40 тўлашга рози бўлсангиз, «Спринт»дан оладиган чекланмаган интернетингиз «4G» тезликда бўлади. Барча пакетларда кириш ва чиқиш қўнгироқлари минути чекланмаган.

“Amazon” энди юкларни якшанба куни ҳам жўнатади



“Amazon” онлайн савдо тармоғи АҚШ Почта хизмати билан ҳамкорликда харид қилинган маҳсулотларни якшанба куни ҳам жўнатишини йўлга кўйди. Бу хизмат ҳозирча фақат Нью-Йорк ва Лос-Анжелесда истиқомат қилувчи мижозлар учун тақдим этилмоқда. Келаси йил Даллас, Хюстон, Нью-Орлеанс ва Феникс шаҳарлари ҳам бу хизматдан фойдаланиши бошлайди.

“Amazon”нинг янги хизмати орқали “USPS” почтаси илк бор юкларни якшанба куни ҳам ташимоқда.

“Amazon” компанияси келаси уч йил ичida ўз дўйон-омборхоналарини кенгайтириш учун 14 млрд. доллар сарфлашни режалаган. Шунингдек, бепул жўнатиладиган юклар миқдорини ҳам ошириш ниятида.

“Google” қуёш энергиясига \$80 млн. сарфлайди

“Google” интернет компанияси Калифорния ва Аризона штатларида қуёшдан энергия олувчи янги станциялар курилишига \$80 млн. ажратди. Қуёш панеллари фойдаланишга топширилса, улардан 17 минг уйни ёритишга етадиган энергия олиш мумкин.

Компания ўзини қайта тикловчи энергия лойиҳаларига 2010 йилдан бери \$1 млрд. дан ортиқ маблағ сарфлаган.

“Google” ҳозирда ўзи истеъмол қиласидиган барча энергиянинг 33 фоизини ўзини қайта тикловчи манбалардан олишини айтади. Компания яқин келажақда бутунлай “яшил энергия”га ўтиш ниятида.



Financial Aid Available (FOR THOSE WHO QUALIFY)

Job Placement Assistance

- Comprehensive Accounting (Excel, QuickBooks, Peachtree)
- ESL (English As a Second Language)
- Medical Office Specialist (EKG, Phlebotomy, Medical Billing)

The National Certification Exam is offered after completing the Medical Office Specialist program:



Patient Care Technician
Phlebotomy Technician
EKG Technician
Clinical Medical Assistant
Medical Administrative Assistant
Medical Laboratory Assistant
Medical Billers/Coders



Accredited by Council for Independent Colleges and Schools (ACICS). Licensed by the New York State Education Department

MANHATTAN SCHOOL OF COMPUTER TECHNOLOGY

ADDRESS: 931 Coney Island Avenue, Brooklyn, NY 11230

(Between Ditmas and Newkirk Ave)

DIRECTIONS: Train **B, Q** to Newkirk Ave or Bus **B8, B68** to Coney Island Ave and Newkirk Ave

**CALL:
(718) 360-1534**

Саҳар ижтимоий тадбиркорлик мактаби белул курслар тақдим этади

SAHAR IJTIMOIY TADBIRKORLIK MAKTABI



www.saharschool.org

Масофавий таълим тизимиға ихтиослашган Саҳар ижтимоий тадбиркорлик мактаби Етакчилик ва раҳбарлик асослари ҳамда Лойиҳа тузиш ва бошқариш (Менежмент) курсларини тақдим этмоқда. Курслар интернет орқали (www.saharschool.org) белул олиб борилади.

“Саҳар” мактабининг асосий мақсади ёш ва иштиёқли етакчиларга ижтимоий тадбиркорлик сирлари ва бошқарув тажрибаларини ўргатишdir. Мактаб томонидан тақдим этилаётган курслар халқаро стандартлар асосида яратилган, лекин Ўзбекистон шароитига мосланган ва Ўзбекистонда эришилган илғор тажрибалар мисоллари билан бойитилган.

Ҳар бир курс 6 хафта давом этади ва курсни самарали тамомлагач, талабалар сертификатга эга бўладилар. Курсларнинг бити-рувчилари қўлларида амалга оширишга тайёр бўлган ижтимоий тадбиркорлик лойиҳаси билан ўқишни тамомлайдилар.

Ўқиш давомида талабалар эксперталар ва шунингдек, ўз гурухларида бошқа талабалар билан интернет орқали ўзаро алоқа олиб бориш, фикр ва мулоҳазалар алмаштириш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Курслarda қатнашиш ниятида бўлгандар “Саҳар” вебсайти орқали ариза топширишлари лозим.

«Vatandosh»

RESTAURANT **SULTAN** PALACE

FREE DELIVERY
min \$15

Catering for All Occasion
Dine in • Take out
Live Music

2663 Coney Island Avenue
Brooklyn, NY 11223
718-648-2536
718-648-2579



SILK ROAD EXPRESS

Авиаперевозки. Отправка посылок, бандеролей, среднегабаритных грузов

Мы предлагаем отправку бандеролей, посылок Вашим друзьям и близким

Пересылка посылок с помощью Silk Road Express

своим родственникам и друзьям в Узбекистан это правильный выбор!

www.uzsilkroad.com
info@uzsilkroad.com

office: 718.676.0011
cell: 347.722.3850
cell: 347.922.3139
2294a East 14th Street,
BROOKLYN, NY 11229



Office address:
Gulabod Street, dom 54 kv 50,
Tashkent, Uzbekistan 100059
Phone: 998 90 390 7071
Cell: 998 94 661 6007

Ўзбекистон сафарда Вьетнамни мағлуб этди



Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллый терма жамоаси ОК-2015 саралаш, 4-тур доирасида сафарда Вьетнамни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

15 ноябрь, жума куни Вьетнам пойтахти Ханойда Вьетнам ва Ўзбекистон терма жамоалари ОК-2015 саралаш 4-тур ўйинида ўзаро майдонга тушишди. Қизиқарли кечган ўйинда Миржалол Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон миллый терма жамоаси 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ўйиннинг дастлабки дақиқаларида Вьетнам терма жамоаси аъзолари анча фаол ҳаракат қилган бўлсаларда, Қосимов шогирдлари тез орада ташаббусни ўз қўлларига ола билишди. Кетма-кет хужумлар фақат 41-дақиқага келиб ўз самарасини берди. Терма жамоада дебют ўйинини ўтказаётган Воҳид Шодиев ракиб дарвозабонининг хатосидан унумли фойдаланди ва ҳисобни очди - 0:1. Биринчи бўлим эса, шу тариқа Ўзбекистоннинг минимал ҳисобдаги ғалабаси билан якунланди.


Иккинчи бўлимнинг ilk дақиқасида Игорь Сергеев рақиб дарвозасини ишғол этиб ҳисобни 2:0 қўринишига олиб келди. Иккинчи бўлим бошида майдонга туширилган Сардор Рашидов эса бутун бўлим давомида анча фаол ҳаракат қилди ва бир нечта ҳафли вазиятларни яратди. Айнан Бунёдкор клуби ярим ҳимоячиси 90-дақиқада ўйинга якуний нуқтани қўйди - 3:0.

Шу тариқа, сафарда Вьетнамни мағлубиятга учратган Ўзбекистон миллый терма жамоаси «Е» гуруҳида ўз ҳисобидаги очколари сонини 7тага етказиб олди. Миржалол Қосимов шогирдлари ўзининг навбатдаги учрашувини 19 ноябрь куни сафарда Гонконг терма жамоасига қарши ўтказади.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида гуруҳ пешқадами БАА терма жамоаси ўз майдонида Гонконг термасини қабул қилади. Мазкур учрашув 19 ноябрь куни Тошкент вақти билан 20:30да бошланади.

[«The-Uff.com»](#)

Роналду «Олтин тўп» маросимиға бормайди



«Реал» хужумчиси Криштиану Роналду келаси йилнинг 13 январ куни ўтказиладиган йилнинг энг яхши ўйинчисига «Олтин тўп» топшириш тантанали маросимиға келмайди, дея жар солмоқда AS.

Шу тариқа, португалиялик футболчи ФИФАнинг

сўнгги ҳаракатларига ўз норозилигини намойиш этади.

Эслатиб ўтамиз, октябрда ФИФА президенти Йозеф Блаттер Криштиану манзилига ёқимсиз иқтибос йўллаган, кейинчалик эса бунинг учун ўз твиттерида узр сўраганди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, букмекерлик конторалари версияси бўйича Роналду «Олтин тўп»ни олишга энг асосий даъвогар уч футболчи рўйхатига кирган.

[«Stadion.uz»](#)

Угандалик мухлис хотинини гаровга тикиди



Англия чемпионати доирасидаги «МЮ» ҳамда «Арсенал» жамоалари ўртасидаги учрашув Уганда ҳам катта қизиқиши билан томоша қилинди.

Генри Дабасани ҳамда Рашид Иига номли мухлислар ўйинга жиддий гаров ўйнашди. Генри «Арсенал» учун икки хонали ўйинни тиккан бўлса, Рашид «Toyota» автомобили ҳамда хотинини тикиди. Ҳаммаси расмий тарзда амалга оширилган. Ҳабар қилинишича, Дебасанининг учта хотини бор экан. Якшанба куни «МЮ» мухлислари уни уйидан ҳайдаб чиқаришган.

Яхшиямки, ўша куни «МЮ» ғалаба қозонди. Бўлмаса бечара Рашид хотинидан ажраб қоларди.

[«Stadion.uz»](#)

Месси бу йил ҳам «Олтин тўп»ни олиши мумкин



«Барселона» клуби собиқ ярим ҳимоячиси Деку Лионель Месси қаторасига бешинчи марта «Олтин тўп»ни олишга лойик эканини айтиб ўтди.

«Лео» бу совиринга асосий даъвогар ҳисобланади. Ахир у тўрт марта уни ютиб олди, энди бешинчи марта ҳам бу ишни бажариши мумкин.

Аммо Криштиану Роналду ҳам ажойиб мавсум ўтказганини тан олиш керак. Иброҳимович ҳам яхши ўйнади.

Ҳозир Месси тинчгина жароҳатини даволаши лозим», - дейди Деку.

[«Uff.uz»](#)

Ўзбек кураши Осиё соҳил ўйинлари дастурига киритилди

Ўзбек кураши 2014 йилнинг 14-23 ноябрида Таиланднинг Пхукет шаҳрида ўтказиладиган 4-Осиё соҳил ўйинлари дастурига киритилди. Бу ҳақда,



Халқаро кураш ассоциацияси матбуот хизматига асосланиб, 12news.uz хабар бермоқда.

Курашни расмий спорт тури сифатида Осиё соҳил ўйинлари дастурига киритиш ҳақидаги қарор Осиё Олимпия кенгаси томонидан қабул қилинган. Ўзбек кураши эркин кураш таркибида бўлади. Мусобақаларда курашдан ташқари яна етти спорт тури – каббади, эркин кураш, муайтай, петанк, сепактакро, футболлей бўйича баҳслар ўтказилади.

Маълумот учун, Осиё Олимпия кенгаси ташаббуси билан ташкил этилган ОСиё соҳил ўйинлари 2008 йилдан бери ўтказиб келинади. Дастлабки мусобақа Индонезиянинг Бали оролида ташкил этилган бўлса, 2009 йилги иккинчи ўйинлар Уммон пойтахти Мускатда ташкил этилган. Ҳозирча сўнгиси бўлиб турган Хитойнинг Хайнянг шаҳридаги ўйинлар 2012 йили ўтказилган.

[«Kun.uz»](#)

Одил Аҳмедовнинг йиллик даромади 1,5 миллион евро




Россиядаги «Sports.ru» сайти мамлакат биринчилигига ўйнайдиган футболчилар маоши борасида маълумот тўплади

Бироз вақт муқаддам ушбу рўйхатни йилига оладиган 7 миллион европик маоши билан Халк бошқариб бораётганини хабар қилган эдик. Ушбу маълумотлар асосида айтилишича, «Анжи» клуби ва Ўзбекистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси йилига 1,5 миллион евро даромад қилади

Куйида Россия чемпионатида тўп сурисиб энг кўп маош оладиган 10 футболчининг рўйхати билан танишиб чиқишингиз мумкин:

1. Халк («Зенит») – 7 миллион евро
2. Кевин Кураньи («Динамо») – 5,7 миллион евро
3. Александр Кокорин («Динамо») – 5 миллион евро
- 4-7. Игорь Денисов («Динамо») – 4 миллион евро
- 4-7. Юрий Жирков («Динамо») – 4 миллион евро
- 4-7. Ласс Диарра («Локомотив») – 4 миллион евро
- 4-7. Аксель Витцель («Зенит») – 4 миллион евро
8. Мубарак Буссуфа («Локомотив») – 3,9 миллион евро
- 9-10. Янн Мвила («Рубин») – 3,4 миллион евро
- 9-10. Данни («Зенит») – 3,4 миллион евро.

[«Uff.uz»](#)



**Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,
Аҳил кишиларга олов ҳам осон.
Ноаҳил кишилар сухбатидан қоч,
Ноаҳил сухбати ёмондан ёмон.**

Умар Хайём